

заманагөйлик, тарийхый социаллық тема, тарийхый тема, екінши жәхән урысы темаларынан ибарат болды.

Т.Қайыпбергеновтың «Қарақалпақ дәстаны» (бул «Маман бий ҳаққында аңыз» (1968), «Бахытсызлар» (1971), «Түсиниксизлер» (1975) романларынан ибарат), К.Мамбетовтың «Бозатаў» (1986), «Посқан ел» (1988 – биринши китабы) тарийхый темаға бағышланған. К.Султановтың «Әжинияз» (1967) романы, О.Бекбаулиевтың «Тарас Аралда» (1984) повести, оның «Беруний» (1972) романы тарийхый өмирбаянлық жанрда жазылған. Ж.Аймурзаевтың «Жетимнің жүрегі» (1961) повести көркем өмирбаянлық жанрда жазылған.

«Қарақалпақ халқы мәдениетінің бүгинги раўажланыў дәрежеси роман пайда етпей қоймайды», -деп жазған еди профессор С. Бахадырова [8: 182]. Әдебиятшы Ж. Нарымбетов қарақалпақ әдебиятының қәлиплесиў ҳәм раўажланыў жолларын изертлей отырып, роман термини қарақалпақлардың әдебий турмысына биринши рет отызыншы жыллардың басында, қарақалпақ әдебиятында көлеми бойынша бурынғыға қарағанда тарийхый дәўирди кеңнен көрсетиў тенденциясы айқынырақ көзге түсти» деп жазды [9:55].

Әдебиятлар

1. Абрамович Г.Л. Введение в литературоведение. -М.: «Просвещение», 1970.
2. Тимофеев Л.И. Основы теории литературы. -М.: «Просвещение», 1971.
3. Поспелов Г.Н. Проблемы исторического развития литературы. -М.: «Просвещение», 1972.
4. Хализев В.Е. Теория литературы. -М.: «Высшая школа», 1999.
5. Ахметов С., Султанов К. Әдебияттану. -Нөкис: «Қарақалпақстан», 1987.
6. Мамбетов К. Әдебият теориясы. - Нөкис: «Билим», 1995.
7. Järmbetov Q. Ädebiyattanıwdan sabaqlar. - Nökis: «Qaraqalpaстан», 2012.
8. Бахадырова С. Фольклор и каракалпакская советская проза. -Нукус: «Қарақалпақстан», 1984.
9. Нарымбетов Ж. Каракалпакский роман. -Ташкент: «Фан», 1974.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада ХХ аср қарақалпақ прозасының типологиясы ұғанилады. Адабиётшунослық илмидағи адабий турлар, жанрлар бұйича олимларның Г.Л.Абрамовичнің, Л.И.Тимофеевнің, Г.Н.Поспеловның, В.Е.Хализевнің, қарақалпақ олимлари С.Ахметов, Қ.Султанов, К.Мамбетов, Қ.Жарымбетовларның эпик жанр термини бұйича мулохозалари келтирилген. Жанрның тарихий манбалари, шаклланиш йўллари ұғанилиб чиқилган. Қарақалпақ ёзувчилари С.Мажитов, А.Бегимов, Ж.Аймурзаев, К.Султанов, Т.Қайыпбергеновларның миллий адабиётда яратқан эпик жанр шакллари тахлилға олинган. Шунингдек, қарақалпақ прозасына тадиқ қилған олимлар М.К.Нурмухамедов, Ж.Нарымбетов, С.Бахадыровларның тадиқот ишларига, қарақалпақ романиның типологияси бұйича қарашлари қамраб олинган.

РЕЗЮМЕ

В статье изучается типология каракалпакской прозы XX века. Понятия литературных родов и жанров в литературоведении. Дается обзор теоретических взглядов о литературном роде и жанре ведущих учёных Г.Л.Абрамовича, Л.И.Тимофеева, Г.Н.Поспелова, В.Е.Хализева, а также, каракалпакских литературоведов С. Ахметова, К. Султанова, К. Мамбетова, К. Жаримбетова. Изучены исторические источники повествовательного жанра, пути его становления. Анализируются эпические жанровые формы, созданные каракалпакскими писателями С.Мажитовым, А.Бегимовым, Ж.Аймурзаевым, К.Султановым, Т.Кайыпбергеновым в национальной литературе. Также рассматриваются взгляды учёных - литературоведов М.К.Нурмухамедова, Ж. Нарымбетова, С. Бахадыровой изучавших каракалпакскую прозу, в частности касающихся вопросов по типологии каракалпакского романа.

SUMMARY

This article examines the typology of twentieth-century Karakalpak prose. Literary types and genres in the field of literary criticism were studied by G.L.Abramovich, L.I.Timofeev, G.N.Pospelov, V.E.Khalizev, Karakalpak scholars S.Akhmetov, K.Sultanov, K.Mambetov, K.Zharimbetov's comments on the term of the epic genre are given. The historical sources of the narrative genre, the ways of its formation have been studied. The epic genres created by Karakalpak writers S.Mazhitov, A.Begimov, J.Aimurzaev, K.Sultanov, T.Kaipbergenov in the national literature are analyzed. It also covers the views of scholars who have studied Karakalpak prose M.K.Nurmukhamedov, Zh.Narymbetov, S.Bahadyrova on the research work on the typology of the Karakalpak novel.

БАДИЙ ТАРЖИМАДА ҚАХРАМОН ПОРТРЕТИ ВА МИЛЛИЙ КИЙИМ – КЕЧАКЛАР

(“Юлдузли тунлар” романининг туркман тилидаги таржимаси мисолида)

Б.Бўронова – ўқитувчи

Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети

Таянч сўзлар: бадий таржима, аслият, давр манзараси, тарихий реалия, қахрамон руҳияти, портрет, историзмлар, таҳлил ва талқин.

Ключевые слова: художественный перевод, оригинальность, пейзаж эпохи, историческая реальность, душевное состояние героя, портрет, историзмы, анализ и интерпретация.

Key words: literary translation, original, atmosphere of the period, historical reality, character's spirit, portrait, historisms, analysis and interpretation.

Бадий таржимада миллий кийим-кечакларни иккинчи тилда тўғри ва аниқ ифодалаш ҳам муҳим муаммолардан бири саналади. Айниқса, гап тарихий асарларнинг таржимасида ҳақида кетганида, бу масъулиятли ишнинг юки янада оғирлашади. Жумладан, “Юлдузли тунлар” романининг туркман, қарақалпақ, рус тилларидаги таржима вариантлари аслият билан солиштириб-қиёсланганда, бадий таржима соҳасидаги ютуқлар ва камчиликлар, таржимоннинг маҳорати, бадий таржима соҳасидаги

муаммолар ойдинлашади. “Юлдузли тунлар” тарихий роман бўлгани сабабли, асар матнида кўплаб историзмга айланган миллий анъанавий устки ва бош кийим номлари учрайди. Масалан, роман матнида **бўрк, банорас, чакмон, сидирга, дакани, чорик, қабо, атлас кўйлак, сақарлат делегай, тоқи** каби миллий кийим номлари учрайди. Мазкур миллий кийим-кечак номларидан баъзилари бугунги кунда ўзбек тилида деярли истеъмолдан чиққан, историзмларга айланган. Масалан, **сақарлат делегай, қабо** нутқимизда ҳам,

кундалик турмушимизда ҳам ишлатилмаяпти. Тарихий миллий колоритни тўлақонли очиш мақсадида муаллиф бундай сўзларни замонавий формада ишлата олмайди. Акс ҳолда, тарихий ва бадий ҳақиқатга путур етади. Таржимонлар Ш.Чориев (туркман таржимони), Х.Жумашев, А.Садиков (қорақалпоқ таржимонлар), Ю.И.Суровцев (рус таржимони)лар “Юлдузли тунлар” романидаги архаизмлар, историзмларга мансуб бўлган миллий ўзбек кийим-кечак номларини туркманча, қорақалпоқча, русча муқобил лексема танлаш билан бадий таржимада ҳам оригинал лексикаси талабига кўра тарихийлик принципіга амал қилган. Бу ўринда таржимон айрим сўзларни изоҳталаб жумла сифатида уларнинг мазмунини берса, айримларини замонавийлаштирган. Масалан, рус таржимони Ю.И.Суровцев “бўрк” миллий бош кийимни замонавий формада “шапка” деб ишлатган. Шунингдек, “Сакарлат делегай” миллий бош кийими “сакарлат” тарзида русчалаштирилган экан, таржимон матн остида бу сўзга изоҳ беради: “Сакарлат – чекмень сшитый из специально выделанной верблюжьей шерсти желтого цвета. Носили сакарлоты высокопоставленные духовные лица” [3:158].

Шуниси эътиборлики, “Юлдузли тунлар” романида тарихий шахслар портрети ҳам бевосита кийим-кечаклар тасвири билан уйғун ҳолда тасвирлангани, китобхон бевосита тарихий шахслар чизгиларини ҳам уларнинг кийим-кечакларида ва ташқи кўринишида бирдек тасаввур қилади. Пировардида таржимада ҳам бу ҳолат қаҳрамон портрети ва кийим-кечакларини кенгрок тасвирлашга имкон яратган. Натижада мутаржим ҳам таржима санъатига бекиёс ҳисса қўшган адиб Асқад Мухторнинг “Таржима аслида муаллиф ишининг давомидир” деган таъбирига риоя қилган ҳолда таржимада айнан шу уйғунликни сақлаб қолишга қатъий амал қилган. Лекин мутаржимнинг мана шу ўзига хос маҳорати асарнинг баъзи ўринларида негадир қусурга учраб, асар қаҳрамонларининг портретини, кийим-кечакларини беришда бироз йўқотишлар қилади.

Аслиятда: “Анчадан кейин яшил қабо кийган Хонзода бегим эшикдан мотамсаро бир алфозда секин кириб келди.

Бобур уни қаршиида ўтқазиб, бирлаҳза юзига тикилиб турди. Илгариги гўлгун ёноқлари энди сарғайиб ичига ботган. Лаблари сўлган. Фақат йирик-йирик кўзларида қандайдир қатъият аломати бор” [1:353-354].

Туркманча таржимада: “Бирнэче вагт геченден соң, яшыл келтекчели Ханзада бегим матам тутян ялы йўзун саллап, юваш эдимләп гапыдан гирди. Бабыр өз гаршысында йўзун асып отуран Ханзада бегимнң гўлгун яңақларынын ичине чөкенини, писсе додақларында реңк-петинң галмандыгыны йўреги билең сызды, багыр авусы билең өртенди. Йөне Ханзада бегимнң пыяла гөзлери хайсыдыр бир аңгытлы карара гелен ялы, йити йылдырайарды” [2:243-244].

Юқоридаги парчада Хонзода бегимнинг эғнидаги “қабо” миллий кийим-кечак номининг таржима этилишига диққат қаратамиз. Аввало, “қабо” миллий кийими ҳақида муайян тасаввурга эга бўлиш учун “Ўзбек тилининг изоҳли луғат”дан бу сўзнинг таърифини ўрганамиз. Унда шундай дейилади: “қабо – (арабча, устки кийим, чакмон) Узун ва кенг устки кийим” [5:197].

Демак, қабо ўрта асрларда зодагон хонимлар қўйлақ устидан киядиган, узун ва кенг кийим экан. Мазкур парчада Аҳмад Танбалга узатилишига тиш-тирноғи билан норози бўлган Хонзода бегимнинг руҳий ҳолати берилган. У яшил қабо кийган ҳолатда, ранги сўлгин, тушкун кайфиятда иниси Бобурнинг олдида кириб келади. Туркманча таржимада мутаржим Ш.Чориев қаҳрамоннинг руҳий тушкун ҳолатини теран англаган ҳолда туркман тилининг ўзига хос услубига мослаб, таржимада оригиналликка эришган. Масалан, таржимон Хонзода бегим руҳий портретига дахлдор лабларидаги сўлгинлик, рангининг заъфаронлиги, аммо йирик-йирик кўзларидаги қатъиятни туркманча таржимада “Бабыр өз гаршысында йўзун асып отуран Ханзада бегимнң гўлгун яңақларынын ичине

чөкенини, писсе додақларында реңк-петинң галмандыгыны йўреги билең сызды, багыр авусы билең өртенди. Йөне Ханзада бегимнң пыяла гөзлери хайсыдыр бир аңгытлы карара гелен ялы, йити йылдырайарды” деб ўгиради. Бизнингча, мутаржим “йирик-йирик кўзлар”ни “пыяла гөзлер” деб туркманчалаштириш билан бадий асар тилига туркманча жонлилиқ бахш этади. Ўзбек тилида “пиёла кўз” сўз бирикмаси ишлатилмайди. “Оху кўзли” бирикмаси ишлатилади. Шунга кўра, мутаржим туркман халқининг ўзига хос услубидан, жонли халқ тилидан фойдаланган ҳолда “йирик-йирик кўзли” иборасини “пиёла кўзли” деб туркманчалаштириб, ўғирмада аслиятга мос эквивалент танлай билган. Бадий асар таржимасида мана шундай эркин ижодий ёндашув тарихий роман таржимаси сифатини яхшилашга хизмат қилган. Шунча муваффақиятларга қарамадсан, Ш.Чориев аслиятдаги миллий кийим номи бўлган “қабо” сўзини “келтекче” деб ўгиради. Назаримизда, аслиятдаги миллий кийим номи туркманча ўғирмада унчалик ҳам тенг муқобил вариантига эга бўлмаган. Чунки, келтекче бу камзул асосан калта қилиб тикилган (жакет) уни асосан ўтмишда ўрта ҳол оилага мансуб хонадон вакиллари кийишган. “Юлдузли тунлар” романи матнида учрайдиган “қабо” миллий кийими учрайдиган кийинги парчаларга ҳам эътибор қаратамиз. **Аслиятда:** “Фақат Хадича бегимнинг ўзи қорамтир кумушранг парчадан безаксиз қабо кийган, унинг бошидаги кўкиш тоқида кўзга унча ташланмайдиган сиёрак марварид доналари кўринар эди. Ақлни шоширадиган бундай жавоҳирот орасида гўзал қиз-жувонлар қуришотида ўтирган эллик ёшли улуссифат Малика Бобурни ҳам, Қосимбекни ҳам анча доводиратиб қўйди” [1:431].

Туркманча таржимада: “Хатыжса бегимнң эғниде айратын йылпылдысы, ўйтгешик шай-жежеги болмадык гарамтыл-күмүш реңкинде гиң көйнек барды, башына геен, барха чүрелип гийдән гөгүмтик токасында мерверит дәнелери билдирер-билдирмез ышык сачып гийдәрди. Бейле безеглере чүмүп отуран, төверегини перисыпат кенизеклр халкалайын гуришп алан Хатыжса бегим Бабырынң хем, Касымбегинң хем йўрегини бөкдүрмән дурмады” [2:307].

Юқоридаги парчада романнинг яна бир аёл қаҳрамони Хадича бегим тасвирланади. Аслиятда Хадича бегимнинг ташқи портрет тасвирида “қабо – устки кийим, тоқи – бош кийим” тасвирланган. Албатта, маҳоратли ёзувчи П.Қодиров сарой маликаларининг, сарой хизматкорларининг, подшолар, шахзодалар, ҳарбий жангчилар, оддий кишиларнинг либосларини тасвирлашда тарихий миллий колоритни, шунингдек, бой-камбағаллигини ҳам ҳисобга олган. Қолаверса, романда қатор тарихий шахслар катта маҳорат билан акс эттирилган. Шу жумладан, адиб тарихий шахслардан бири Хадича бегимнинг кийим-бошларини тарихий фонда чизар экан, бу тасвирларда “қорамтир кумушранг парчадан безаксиз қабо” кийиб олгани, бошида эса “сиёрак марварид қадалган кўкиш тоқи”да акс эттиради. Ш.Чориев Хадича бегимнинг эғнидаги безаксиз “қабо”ни “айратын йылпылдысы, ўйтгешик шай-жежеги болмадык гарамтыл-күмүш реңкинде гиң көйнек” шаклида туркманчага ўгиради. Мутаржим “қабо” сўзини келтекча ва кенг қўйлақ шаклида туркманчага ўғирар экан. Назаримизда, таржимон ушбу миллий кийим номини туркманчада беришга қийналган. “Қабо” сўзига тенг муқобил вариант топа олмаган. Бизнингча, Ш.Чориев “Юлдузли тунлар”нинг туркманчасида “қабо” сўзини бир ўринда “келтекче”, иккинчи ўринда “кенг қўйлақ” деб берар экан, бу ҳолат мутаржимнинг миллий тарихий фонни тўғри тасаввур қила олмаганидан дарак беради. Ҳар икки лексема ҳам ўзбек тилида “қабо” сўзининг асл маъносини бера олмаган. “Юлдузли тунлар”нинг қорақалпоқ тилига қилинган таржимасига эътибор қаратамиз. Мутаржимлар Х.Жумашев, А.Садиковлар қорақалпоқчада “қабо” миллий уст кийимини “бешпенти”, “тоқи”ни “тақья” шаклида беради.

Қорақалпоқча таржимада: “Тек Хатийша бегимнң ўзи қаралтым гүмис рең паршадан безеўсиз жуқа бешпент кийген, оның басындагы көгис тақьяда көзге

онша тасланбайтығын меруерт даналары көринип тур. Ақылды албырататынын дәрежедегі бундай салтанаттың ортасында, қыз жауанлардың қоршауында отырған елиу жаслардағы мәлімке Бабырды да Қасымбекти де әдеуір албыратып таслады”[4:297].

Кузатиб турганимиздек, қорақалпоқ таржимонлары «кабо» миллий уст кийимини «бешпент» деб ұғиришар экан, назаримизда, ушбу миллий реалияни тұғри ифодлашган. Аммо «токи» бош кийимни «такия»шаклида бериб адашишган. Албатта, ұтмиш даврда кийилган кийим-бошлар, ишлатилган жиҳозлар, ҳарбий аслаҳалар номи бугунги кун лексикасидан анча узок. Табийки, таржимон олдида ана шундай машаққатли вазифани маҳорат билан ўз она тилига ўғириш масаласи кўйилади. Рус таржимони Ю.Суровцев эса «Юлдузли тунлар»нинг русча ўғирмасида «кумушранг-қора кўйлак» (*серебристо-черном платье*) тарзида рус тилига ўғиради. Миллий бош кийим токи эса «шапка» тарзида русчага ўғирилган. Мисолни келтирамиз:

Русча таржимада: *«Хадича была серебристо-черном платье без украшений, лишь голубоватая конусообразная шапка на голове посылала глаза тому, кто смел бы посмотреть на бегим прямо, свет редуих жемчужин. Величественна богата, но – скромна! Женская свита ослепляет пестротой нарядов, сама же властельница показывает, что придерживается иных вкусов и выше роскоши ставит разум»* [3:258].

Мисоллар шуни кўрсатмоқдаки, Хадича бегимнинг миллий бош кийимини туркманча, қорақалпоқча, русчага ўғиришда таржимонлар росса қийналишгани

кўриниб турибди. Рус таржимони “қўкиш токи”ни *“голубоватая конусообразная шапка”* деб ўғирав экан, мутаржим рус китобхонига Хадича бегимнинг бошидаги токининг бошга кийиладиган қўкиш рангдаги конуссимон бош кийим эканини англитиш учун замонавий лексикадаги “шапка” сўзини ишлатади. Афсуски, аслиятдаги “токи” билан “шапка” икки дунёда ҳам тенг эквивалент бўла олмайди. Демак, таржимон токини рус аудиториясига англитиш йилида тиришиб, ўзи билмаган ҳолда тарихий миллий реалияни бузиб кўрсатади. Худди шунингдек, қорақалпоқ таржимонлари ҳам “токи”ни “такия” шаклида қорақалпоқ китобхонларига тақдим этар экан, улар ҳам “токи”ни асл маъносини қорақалпоқчада тұғри бера олишмаган. Туркман таржимони Ш.Чориев эса “токи” миллий кийим бошни туркманчага ўғиришда миллий реалияни ўзини берган ҳолда, фақат фонетик жиҳатдан мослаштириб, “токи” шаклида беришни маъқул кўради. Назаримизда, туркман таржимонининг ушбу принципи ўзини тўла оқлайди. Аммо таржимон матностада ушбу миллий кийим бошга изоҳ, шарҳ бериши лозим эди. Таржимон шуни назардан кочирган. “Юлдузли тунлар” романида тарихий шахслар ташқи портрет тасвирида учрайдиган миллий кийим-кечаклар, бош кийимлар бугунги кунда эски лексик қатламга айланиб улгурган. Шунинг учун, романнинг қардош туркий тилларга ва рус тилига таржимасида юқорида кўрсатилган баъзи бир жузъий ёки кўпол хатолар бўлиши табиий ҳол деб қаралиши керак. Аммо келажакда яратиладиган янги таржима нашрлар учун тадқиқотда кўрсатилган камчиликлар инобатга олиниши лозим деб ўйладик.

Адабиётлар

1. Қодилов П. “Юлдузли тунлар”. –Тошкент: “Ўқитувчи”, 2018.
2. Қодилов П. «Йылдызлы гижелер». –Ашхобат: «Туркменистан» 1988.
3. Қодилов П. «Звездные ночи», перевод с узбекского Ю.Суровцева. –Москва: «Художественная литература», 1988.
4. Қодилов П. “Жулдузли тунлар”, Х.Жумашев. А.Садиков аудармасында –Н.: «Қарақалпақстан»,1983.
5. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5-жилд. – Тошкент:
6. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримкул Қодиловнинг “Юлдузли тунлар” романида тасвирланган тарихий ва миллий колорит масаласининг бадий таржимада акс этиши кийим—кечаклар ва қаҳрамон портрети мисолида таҳлил қилинган. Асосий объект сифатида “Юлдузли тунлар” романининг туркман тилига Шодурди Чориев таржимасидаги вариант танланган. Қиёслаш учун эса қорақалпоқ ва рус тилидаги нашр вариантлари ҳам кузатишлар асосида таҳлил қилинади.

РЕЗЮМЕ

В статье анализируется художественный перевод проблемы исторического и национального колорита, описанной в романе «Звездные ночи» народного писателя Узбекистана Пиримкула Кадырова, на примере одежды и портрета героя. Основной объект—туркменская версия романа «Звездные ночи» в переводе Шадурды Чарыева. На основе наблюдений сравнительно анализируются каракалпакский и русские варианты.

SUMMARY

This article analyzes the literary translation of the issue of historical and national color via describing the example of clothing and a portrait of the hero in the novel of "Starry Nights" by Uzbek folk's writer Pirmkul Kadirov. The main object is the Turkmen version of the novel "Starry Nights" translated by Shodurdi Choriev. For comparison, the Karakalpak and Russian editions are also analyzed on the basis of observations.

ҚАРАҚАЛПАҚ ХӘМ ҚАЗАҚ ШАЙЫРЛАРЫ АЙТЫСЛАРЫНЫҢ ТЕКСТОЛОГИЯСЫ МӘСЕЛЕСИ

Б.А.Давлетов – филология илимлериниң кандидаты, доцент
Әжанияз атындағы Нәкис мәмлекетлик педагогикалық институты

Таянч сўзлар: қорақалпоқ шоирлари, текстология, етти иклим, ёзма адабиёт, вариант, фольклор аңғаналари, географик атамалар.

Ключевые слова: каракалпакские поэты, текстология, семь климатов, письменная литература, вариант, фольклорные традиции, географические термины.

Key words: karakalpak poets, textology, seven climates, written literature, variant, folklore traditions, geographical terms.

Қарақалпақ классикалық әдебияты тарийхын үйренгенимизде, бурыннан қарақалпақ шайырлары хәм қазақ ақындары менен әдебий байланыс, сондай-ақ усы еки халық арасындағы шайырлар айтысы жақсы жолға қойылғанлығы белгили екенлигин көремиз. Бул арқалы дәслеп XIX әсирде жасаған қарақалпақ классик шайыры Әжанияз Қосыбай улы хәм қазақ ақыны қыз Меңеш пенен айтысын көриўге болады. Бул дәстүр Әжанияздан кейин де даўам етип, XIX әсирдиң ақыры XX әсирдиң басында дәретиўшилиқ жақтан хызмет еткен хәр бир шайыр алдына қойған максети фольклорлық дәстүрлерди үйренип, қәлиплесип қиятырган жазба әдебияттың тематикасын халық турмысының реаллық тәрәплерин ашыўға

бағдарланылды. Қарақалпақ әдебияты ўәкиллери Қулымбет шайыр Әбиўбақир Кердери менен, Дәме Мансур менен бетпе-бет турып, айтысып, әдебиятта сөз искусствосы менен халық сүйип оқытуғын шығармаларын дәретти.

Усы атлары көрсетилген айтыслардың ишинде еки халықтың арасындағы байланыс, ең баслысы, сол дәўирдеги билимлендириўге хәм илимге бағдарланған айтыслардан есапланғаны “Қарақалпақ Қулымбет шайыр менен қазақ ақыны Әбиўбақир Кердери айтысы” болып есапланады. Айтыс баспасөзде биринши мәрте 1905-жылы Нигметжан Нигматуллин тәрәпинен «Әдебият Қазақия» деген топламда дағазаланады. 1950-жылы илимпаз Н.Дәўқараев «Қарақалпақ әдебияты